

Ёрдам штабига кўнгиллиларни таклиф этамиз



16:35 / 03.05.2020 1452

Сардобадаги офатда зарар кўрганларга ёрдам бериш штаби ташкил қилингани ҳақида эълон берилган заҳоти юртдошларимиздан юзлаб мурожаатлар бўлиб, миллионлаб сўмлик ўтказмалар, нақд пуллар, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа турдаги хайриялар келиб туша бошлади.

Баҳамжиҳатликдаги ушбу уринишлар сабаб бугун эрталаб «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти биноси ёнидан Сирдарё вилоятидаги ҳамюртларимиз учун тайёрланган юк машиналари карвони йўлга тушди.

Айни дамда яна кўплаб юртдошларимиз томонидан тинимсиз равишда озиқ-овқат, кийим-кечак бошқа зарурий ашёлар келиб топшириляпти. Уларни ажратиш, жойлаштириш, машиналарга юклаш учун **кўнгиллиларнинг ёрдамига эҳтиёж сезилмоқда.**

Шунингдек, **юк машинаси билан хизмат қилиш истагида бўлган дўстларимизни ҳам савобли ишдаги ҳамкорликка чорлаб қоламиз.**

Хайрия штаби манзили:

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.

Телефонлар: +998 93 397 0012

Боғланиш учун: @grandtalimadmin_bot

Islom.uz портали